

Давлатимиз раҳбари Тожикистон ташқи сиёсий идораси раҳбарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиёнинг

минтақавий боғлиқлиги бўйича халқаро конференция дастури доирасида Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддинни қабул қилди.

Жорий йилнинг 11-12 июнь кунлари Тожикистонга амалга оширилган олий даражадаги тарихий ташрифнинг самарали натижалари юқори баҳоланди, улар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаб, аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин давлатимиз раҳбари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг биродарлик саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда қабул қилинган “йўл харитаси” асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги устувор лойиҳаларни ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар – Афғонистондаги вазият ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик кўриб чиқилди.

Манба